

**ABDUQODIR HAYITMETOVNING ILMİY MEROSI VA UNING
AHAMIYATI
NAVOIYSHUNOSLIK SARDOI**

Тўра Мирзаев

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20676799>

Атоқли олим Абдуқодир Ҳайитметов (1926–2005) қолдирган салмоқдор илмий ва адабий меросга назар ташлаганимизда, кўз олдимизда ўзининг серқирра илмий фаолияти билан XX асрнинг эллигинчи йиллари ўрталарида ўзбек адабиётшунослиги тараққиётидаги кўтарилиш босқичини бошлаб берган ҳамда Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Абдурашид Абдуғафуров, Содирхон Эркинов, Ботирхон Валихўжаев, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Салоҳиддин Мамажонов, Наим Каримов, Умарали Норматов каби улкан сафдошлари билан биргаликда унинг кейинги ярим асрдан кўпроқ даврдаги ривожланиш йўлларини белгилай олган етук аллома намоён бўлади. Чиндан ҳам унинг адабиёт тарихи ва ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўйича олиб борган тадқиқотлари, матншунослик ва манбашунослик, ҳатто фольклоршуносликка доир китоб ва мақолалари ўзбек адабиётшунослиги тараққиётида бутун бир даврни ташкил этади. Олим тадқиқотлари, китоб ва монографиялари, рисола ва мақолаларининг ўзбек адабиётшунослиги тарихида тутган бундай ўрни ва мавқеи нафақат унинг ўзига, балки Ўзбекистон фани ривожига ҳам катта шараф келтирди. Илмий жамоатчилик унинг фан тараққиётидаги меҳнатларини ўзбек адабиётшунослигида “Абдуқодир Ҳайитметов феномени”, “Ҳайитметов мактаби” дея тан олди. Олимга икки марта Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг берилиши, унинг Ўзбекистон Республикаси фан арбоби олий унвони ҳамда мамлакатимизнинг “Буюк хизматлари учун” юксак ордени билан шарафланиши ҳам ана шундандир.

Абдуқодир Ҳайитметов фандаги дастлабки қадамларидаёқ ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган олим сифатида жуда тез шакллана борди. Олий таълимни форс-тожик адабиётининг улкан намояндаси Муслиҳиддин Саъдий ижодини тадқиқ этишга бағишланган диплом иши билан яқунлаган бу ёш шарқшуностадқиқотчи ўзидаги юксак иқтидор ва тинимсиз изланувчанлик туфайли ўз тенгдошларидан анча илгарилаб кетди. Қисқа бир даврда “Ҳасан Пўлат” (1954), “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959), “Навоий лирикаси”



(1961), ikki jildli “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари”(1961;1962, ҳамкорликда) каби китоб ва монографиялар, ўнлаб мақолалар эълон қилиб, ўзбек адабиётининг йирик ва зукко тадқиқотчисига айланди, 28 ёшида номзодлик, 39 ёшида докторлик диссертацияларини муваффақиятли равишда ҳимоя қилди. Бу – ўша давр учун ҳам, бугун учун ҳам ўрнатқуч бўлган ҳодисадир.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов адабиётимиз тараққиётининг барча даврлари, унинг етакчи вакиллари ижоди тўғрисида, ўзбек адабиётининг форсий, арабий ва туркий тиллардаги адабиётлар тизимида тутган ўрни ва анъанавий Шарқ поэтикаси масалалари ҳақида баравар қалам тебратта олган улкан олимдир. Аммо унинг илмий фаолиятида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини биринчи қўлёзма манбалар асосида ўрганиш, буюк мутафаккир ҳаёт йўлининг тадқиқотчилар назари тушмаган ноаниқ томонларини ёритиш асосий ўрин тутди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Абдуқодир Ҳайитметов ўз сафдошлари билан биргаликда навоийшуносликнинг янги даврини бошлаб берди. Бу янги давр – навоийшуносликда ҳайитметовлар даври – улуғ шоир ҳаёти, ижоди ва илмий фаолиятини турли йўналишларда комплекс равишда ўрганиш, буюк адиб асарларининг тўла, академик, танланма ва насрий баёнлар тарзидаги нашрларини амалга ошириш билан характерланади. Бу жараёнда Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотлари ўзининг салмоқдорлиги жиҳатидан ҳам, уларда шоир ижодига оид муаммоларнинг илмий нуқтаи назардан янгича қўйилиши ва ҳал этилиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Олимнинг улуғ шоир ижодини ўрганишга бағишланган биринчи йирик тадқиқоти “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959) монографиясидир. Монографиянинг “Ўзбекистонда XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий танқидчилик ва унда Навоийнинг роли”, “Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўз ичига олган асосий асарлари”, “Навоий адабий танқидчилигининг асосий масалалари” каби бобларидан ҳам кўриниб турганидек, беназир тадқиқотчи ўз китобида улуғ мутафаккирнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн” сингари адабиётшунослик, шеършунослик ва тилшуносликка оид махсус асарларини ўрганибгина қолмай, балки унинг бутун ижоди қатларида сочилиб ётган сўз санъатига доир фикр ва мулоҳазаларини миришкорлик билан тўплади, уларни тартибга солди, таҳлил этди ва умумлаштирди. Натижада улуғ шоирнинг ўзигача бўлган эстетик тафаккурнинг барча ютуқларини умумлаштириб, улкан назариячи олим даражасига кўтарилганлигини, унинг ўзбек



адабиётшунослигида ўз даври ва ўзигача бўлган адабиёт ҳамда унинг вакиллари ижодини холис баҳоловчи жиддий тадқиқотчи ва адабий танқидчи сифатидаги юксак ўрнини асослаб берди.

Олимнинг Алишер Навоий ҳақидаги монографияларининг ҳар бири улуғ шоир ижодининг муайян томонларини тўлақонли ёритганлиги ҳамда бир-бири билан чамбарчас боғланган тадқиқотлар эканлиги жиҳати билан ниҳоятда қимматлидир. Жумладан, “Навоий лирикаси” (1961) монографиясида улуғ шоирнинг лирик мероси, унинг жанрлар таркиби, ғоявий-тематик асослари, образлар тизими батафсил таҳлил этилган бўлса, “Навоийнинг ижодий методи масалалари” (1963) асарида асосий диққат унинг юксак бадиий услуби муаммолари тадқиқига қаратилган. “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. X–XV асрлар” (1970) монографияси эса, айтиш мумкинки, Абдуқодир Ҳайитметов илмий ижодининг юксак чўққиси бўлиш билан бирга қиёсий адабиётшуносликнинг теран намунаси ҳамдир. Унда олимнинг ўта синчковлиги, чуқур мулоҳазакорлиги, тафаккур доирасининг ғоятда кенглиги, хилма-хил адабиётларга хос турли-туман адабий фактларни монографияда олға сурилган ягона муаммо – адабиётдаги метод ва услуб масалалари атрофига жамлаб, таҳлил этиш ва хулосалар чиқариш маҳорати тўла равишда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Абдуқодир Ҳайитметов Алишер Навоий ҳақида, умуман, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти тўғрисида, унинг долзарб назарий ва амалий муаммолари борасида махсус монографиялар, бир неча жамоавий тадқиқотларнинг катта-катта қисмларидан ташкил топган боблардан ташқари юзлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ҳам эълон қилган олимдир. Унинг илмий фаолиятига хос характерли хусусиятлардан бири ўзи эълон қилган илмий мақолаларини саралаб, уларни қайта назардан ўтказиб, янги тадқиқотларини қўшган ҳолда муаммовий-тематик тўпламлар тарзида вақти-вақти билан нашр этиб келганлигидир. Унинг “Навоий даҳоси” (1970), “Ҳаётбахш чашма” (1974), “Табаррук излар изидан” (1979), “Мерос ва ихлос” (1985), “Навоийхонлик суҳбатлари” (1993), “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” (1996), “Адабий меросимиз уфқлари” (1997) каби китоблари шу тариқа майдонга келган.

Ўта зийрак, синчков, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ғоятда талабчан бўлган Абдуқодир ака учун масаланинг катта-кичиги йўқ эди. Эълон қилинажак ҳар бир мақоласига катта масъулият билан қарар, қаламга олинаётган масалани синчковлик билан ўрганар, унга ҳар томонлама ёндашар эди. Шу сабабли унинг қайси бир мақоласини олманг, пухта тайёргарлик, ёрқин фактлар асосида



ёзилганлигига, энг муҳими, адабиётшуносликда кам ўрганилган масалаларга бағишланганлигига қаноат ҳосил қиласиз. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани эсламоқчиман.

Гап шундаки, ўтган аср 80-йиллари бошлари бўлса керак, Абдуқодир ака Алишер Навоий ва “Аланқува” афсонаси мавзусида бир мақола ёзиш нияти борлигини айтиб, афсонанинг оғзаки вариантлари бор-йўқлигини сўраб қолди. Мен фольклорда ўзаро яқинликсиз – сеҳрли воситалар ёки илоҳий дуолар туфайли она қорнида ҳомила пайдо бўлиши ва қаҳрамоннинг ғаройиб ҳолатларда туғилиши мотиви кенг тарқалганлигига қарамай, айнан Аланқува типига афсоналар оғзаки ижрода мавжуд эмаслигини айтиб, ёзилажак мақолада унинг Рашидиддин ва Улуғбек вариантлари ҳамда Алишер Навоий қайдлари билан чекланиш мумкинлигини маслаҳат бердим. Шунда олим кутилмаганда: “Ёқутларнинг “Олонхо” эпоси-чи?” – деб қолди. Мен: “Уларнинг номларидаги муайян бир оҳангдошликдан ташқари бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ”, – дедим. “Барибир текшириб кўриш керак”, – деб мендан олтой ва ёқут (саха) эпосига доир ўзимда мавжуд китобларни вақтинча фойдаланиш учун бериб туришни илтимос қилди. Эртасига мен “Олонхо”, “Маадай-Қора” эпосларининг академик нашрлари ва улар ҳақидаги бир неча китобларни келтириб бердим. Абдуқодир ака уч-тўрт ой давомида уларни ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Оқибатда “Навоий ва “Аланқува” афсонаси” номида жиддий бир мақоласи пайдо бўлди. Бундан шу нарса аниқ кўринадики, Абдуқодир ака катта тадқиқотлар у ёқда турсин, ҳатто биргина кичик мақолани ёзишда ҳам ана шундай жиддий тайёргарлик кўрадиган ўта меҳнатқаш, фандаги заҳматдан, қидириб-изланишдан эринмайдиган олим эди.

Яна бир мисол. Олим вафотидан кейин домланинг умр йўлдоши Ҳалима опа менга устознинг машинка қоғозини икки буклаб ёзилган 22 саҳифалик қоралама қўлёзмасини “Бир танишиб чиқинг”, – деб берди. Танишиб чиқсам, бу қўлёзма домланинг “Алпомиш” достонининг 1998 йилги тўла нашрини 1999 йилнинг 12 сентябридан 27 сентябригача бўлган даврда ўқиб чиқиш давомида достон сюжетини баён қилувчи 92 бандга бўлиниб ёзиб чиқилган қайдлари ва достондан олинган айрим кўчирмаларидан иборат экан. Афтидан, домла “Алпомиш” достони ҳақида бирор тадқиқот яратишни ёки каттароқ бир мақола ёзишни ният қилганга ўхшарди. Достонни ўқиб давомида сюжет баёнига ва ундан олинган парчаларга олимнинг фаол муносабати шундан далолат беради. Жумладан, олим биринчи бандда ёзади: “1. “Алпомиш” достонининг негизи – туркий негиз. Рустамга алоқаси йўқ”. Ёки еттинчи бандда шундай мулоҳаза қайд

этилган: “7. Кўчманчи ўзбеклар билан ерли қалмоқлар (?). Дехқончилик билан шуғулланувчи қалмоқлар ҳақида гап бормоқда! Ваҳоланки, акси бўлиши керак эди?!”

Ёхуд, эллик биринчи бандда:

Бузилсин, йиқилсин ул чархи ношод,

Дунёнинг ғамидан бўлмади озод, –

мисралари келтирилиб, “Бу – Машрабона байт. Демак, ёзма адабиёт таъсири ҳам дostonда йўқ эмас”, – дея қайд этилган.

Эҳтимол, устознинг бундай қоралама қайдларини нашр этиш шарт эмасдир. Бунга зарурат ҳам йўқ. Аммо улар олимнинг ҳар бир илмий мақолани ёзишга жиддий тайёргарлик кўришидан, қидириб-изланишларидан, юксак интизоми ва тинимсиз ишлашидан дарак беради. Ахир, ўзингиз ўйланг. Ўн олти кун давомида бир дostonни ўқиб-ўрганиш, у ҳақда муттасил ўйлаш ва фикр юритиш, зарурий қайдлар қила бориш Ҳайитметовга хос ўта меҳнатсеварлик, синчковлик ва мулоҳазакорлик натижаси эмасми?! Шу иккигина мисолнинг ўзиёқ Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмдаги етти ўлчаб, бир кесишдек маҳоратини ёрқин бир равишда кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам олим илмий мақолаларининг ҳар бири адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланганлиги билан ҳамон мутахассисларнинг диққат эътиборидадир.

Бу ўринда устоз олимнинг ўзбек фольклори ҳақидаги мақолаларига доир бир неча сўз айтишни лозим кўрдик. Абдуқодир ака 1956 йилда ўзбек фольклори тўғрисида “Алпомиш” – халқимизнинг ўлмас қаҳрамонлик дostonи” ва “Халқ эртакларини сифатли нашр этайлик” номли иккита мақола эълон қилган. Улардан биринчиси Тошкентда “Алпомиш” дostonини ўрганишга бағишланган минтақавий илмий конференция ўтаётган кунларда босилиб чиққанлиги билан аҳамиятли бўлса, иккинчиси фольклор асарлари матнини текстологик ўрганиш масалаларига бағишланганлиги жиҳатидан диққатга сазовордир.

Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятини кўздан кечирган киши унинг ижодий ҳаракатдан, излаш-изланишдан бир зум бўлса ҳам тўхтамаганлигига, бир қатор мавзулар ва ўзбек адабиёти муаммоларини тадқиқ этишни тадрижий, узвий ва узлуксиз давом эттирганлигига қаноат ҳосил қилади. Агар устоз олим ўз фаолиятининг дастлабки йилларида Алишер Навоий адабий-танқидий карашларини тадқиқ этиб, Шарқ поэтикаси масалалари билан умр бўйи шуғулланиб келган бўлса, буни қарангки, ҳаётининг сўнгги йилларида номаълум бўлиб келаётган, XV асрнинг биринчи ярмида яратилган Аҳмад Тарозийнинг адабиётшуносликка оид туркий тилдаги “Фунун ул-балоға” асарини аниқлаш,



илмий жиҳатдан ўрганиш ва нашр этиш ҳам унга насиб қилди. Шеър турлари, қофия ва радиф, сўз ва бадий санъатлар, шеъринг вазн каби Шарқ поэтикасининг ўзак масалаларига бағишланган бу асарнинг тадқиқ қилиниши ва нашр этилиши адабиётимиз тарихини номаълум бўлиб келаётган янги бир ёдгорлик билан бойитди. Амир Темур ва темурийлар даври адабиётини ўрганишда кенг имкониятлар яратди.

Улкан олимнинг матншунослик ва манбашунослик бўйича олиб борган ишлари, хусусан, Убайдий, Турди, Машраб, Комил каби атоқли шоирларнинг ижоди намуналарини биринчилар қатори нашрга тайёрлаганлиги ҳамда бу сўз санъаткорлари ҳақида юксак савиядаги илмий-назарий мақолалар яратганлиги ҳам таҳсинга сазовордир. Устоз Абдуқодир ака фаолиятида унинг ёш тадқиқотчи ва аспирантларнинг мураббийси, фан ташкилотчиси ва илм раҳбари сифатидаги хизматлари алоҳида саҳифани ташкил этади. Бу ўринда бевосита унинг илмий раҳбарлиги ва ҳаммуаллифлигида нашр этилган беш жилдли “Ўзбек адабиёти тарихи” ҳамда икки жилди “История узбекской литературы” номли йирик жамоавий тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш кифоядир.

Улкан аллома, устоз олим, дилкаш ва тўғрисиўз инсон Абдуқодир Ҳожиметович Ҳайитметовнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳар жиҳатдан ибратлидир. У бу йўлда нимагаки эришган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек адабиётшунослиги таракқиётининг деярли ҳамма соҳаларини ўзида тўла равишда акс эттириб, фаннинг ушбу соҳаси ривожига катта ва арзирли хисса бўлиб қўшилди. Унинг тадқиқотлари маънавиятимиз сарчашмаларини, умумбашарий қадриятларни холисона баҳолаганлиги жиҳатидан ўзбекона миллий туйғу илдизларини ўрганишни ғоятда кенгайтди. Бу билан истиқболли тадқиқотлар соҳиби бўлган устоз Абдуқодир ака абадий барҳаёт сиймолар қаторидан муносиб ўрин олди.